



## ПАХТА-ТЎҶИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ВАРИАНТИНИ ТАНЛАШ

**Хайдаров Илхом Утқурович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0001-4443-4324

[khaydarov.i.u@gmail.com](mailto:khaydarov.i.u@gmail.com)

**Аннотация.** Бугунги кунда республикада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер сиёсатини амалга оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Дастлабки кластерлар пахтачилик мажмуасида ташкил этилган. Мақолада қўшилган қийматни максималлаштириш мақсад функциясини ишлаб чиқиш ва ечимини топиш асосида пахта-тўқимачилик кластерларни ташкил этиш самарадорлигини оптималлаштиришнинг самарали вариантыни танлаш танлаш масаласи ўрганилган ва натижалар асосида газламадан тайёр тикув маҳсулотлари ёки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш (тайёр тикув ёки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш) варианты бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли қўшимча қиймат яратишда энг самаралиси эканлиги асосланган.

**Таянч сўзлар:** кластер, оптималлаштириш, саноат, самара, самарадорлик, мақсад функцияси, маҳсулот, ишлаб чиқариш, фойда.

## ВЫБОР ЭФФЕКТИВНОГО ВАРИАНТА ОПТИМИЗАЦИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ

**Хайдаров Ильхом Утқурович**

Ташкентский государственный

экономический университет

**Аннотация.** Сегодня серьезное внимание уделяется реализации кластерной политики организации производства в нашей республике. Первые кластеры были созданы в хлопковом комплексе. В статье рассматривается вопрос выбора эффективного варианта оптимизации эффективности организации хлопково-текстильного кластера на основе разработки целевой функции максимизации добавленной стоимости и поиска решения. организация производства является наиболее эффективной в создании добавленной стоимости.

**Ключевые слова:** кластер, оптимизация, отрасль, эффективность, целевая функция, продукт, производство, прибыль.

## CHOOSING AN EFFECTIVE OPTION TO OPTIMIZE THE EFFICIENCY OF THE ORGANIZATION OF COTTON AND TEXTILE CLUSTERS

*Khaidarov Ilkhom Utkurovich*

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** Today, serious attention is being paid to the implementation of the cluster policy of production organization in our republic. The first clusters were established in the cotton complex. The article examines the issue of choosing an effective option for optimizing the efficiency of the organization of cotton-textile clusters based on the development of the objective function of maximizing the added value and finding a solution. It is based on the fact that the form of organization of production is the most effective in creating added value.

**Key words:** cluster, optimization, industry, efficiency, objective function, product, production, profit.

### **Кириш.**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиёт очиқлигини ошириш жараёнида республиканинг жаҳон савдосига интеграллашувини ва импорт оқилоналигини ошириш, ташқи ва ички бозорда миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини таъминлаш шароитларини яратиш долзарб маъно касб этади. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар замирида юқори қўшимча қиймат яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу борада дастлаб ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришда бир қадар ижобий натижаларга эришилди. Шу билан биргаликда қўшилган қийматни максималлаштириш мақсад функциясини ишлаб чиқиш ва ечимини топиш асосида пахта-тўқимачилик кластерларни ташкил этиш самарадорлигини оптималлаштиришнинг самарали вариантини танлаш масаласи етарлича ўрганилмаган.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Халқаро илмий базалардаги илмий адабиётларда “кластер” атамасига муаллифлар томонидан кўплаб таърифлар келтирилган. “Кластер” французча атама бўлиб, ўзбек тилидаги “панжа”, “бош”, “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш”, “турғун” маъноларини англатади. Шунингдек, “кластер” Давронов (2018) томонидан танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида тавсифланган. Машҳур америкалик олим Портер (1990) томонидан ушбу атамага қуйидагича таъриф келтирилган: “Саноат кластери - харидор ва етказиб берувчи ёки етказиб берувчи-харидор муносабатлари, ёки умумий технологиялар орқали, умумий харид каналлари ёки тақсимотлар ёки умумий меҳнат бирлашмалари орқали боғланган бир қатор тармоқлар”.

Швитц (1992) томонидан эса ушбу атамага таъриф беришда корхоналарнинг бир-бирига яқинлиги инобатга олинган: “Кластер – бу бир тармоққа мансуб ва бир-бирига яқин жойлашган корхоналар гуруҳидир”.

Кластер назариси ривожига юқори ҳисса қўшган олимлардан бири саналган Розенфелд (1995) томонидан қуйидаги таъриф келтирилган: “Кластер - бу бандлик кўлами аниқ ёки сезиларли бўлмаса ҳам жуғрофий яқинлик ва ўзаро боғлиқлик туфайли синергия ишлаб чиқаришга қодир бўлган фирмаларнинг концентрациясидир”.

Республикамиз олимларидан Исаев (2019) томонидан тўқимачилик саноатида кластер сиёсатини қўллаш масаласи ўрганилган.

Муаллиф фикримизча, “кластерлар – бу ягона мувофиқлаштирувчи ядрога эга бўлган, юқори қўшилган қиймат занжирини ҳосил қилувчи, иқтисодий қизиқишлари бир бутун бўлган корхоналар, фирмалар ва ташкилотларнинг тузилмавий гуруҳидир”.

### Тадқиқот методологияси.

Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, иқтисодий-математик каби усуллардан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқот ишида республикамізда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2023 ҳосил йилида етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлашда қўшимча қийматни ошириш мезони бўйича кластерларнинг технологик занжирдаги энг самарали тоифасини танлаш учун эконометрик моделлаштиришнинг муқобиллаштириш усулидан фойдаландик.

Таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда пахта-тўқимачилик кластерларида самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари қўллаш асосида маҳсулот сифатини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалиётга жорий этиш режасининг қўшилган қийматни миқдорини ошириш мезони бўйича мақсад функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$L(x) = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m P_i * X_{ij} \rightarrow \max \quad (1)$$

Ушбу мақсадни амалга оширишда пахта-тўқимачилик кластерларида хом ашё турлари бўйича захиралар миқдори чегараланганлиги боис, жорий этиладиган тадбирларни амалга оширишда фойдаланиладиган хом ашё унинг захиралар миқдоридан кичик ёки тенг бўлиши керак:

$$\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m A_{ij} * X_{ij} \leq B_j \quad (2)$$

Жорий этиладиган тадбирларни амалга оширишда фойдаланиладиган меҳнат ресурслари унинг захиралар миқдоридан кичик ёки тенг бўлиши керак:

$$\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m M_{ij} * X_{ij} \leq K_j \quad (3)$$

Кўрсатиб ўтилган тадбирлар тўлиқ ёки қисман жорий этилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этилиши шартини қуйидаги тенглама орқали ифодаланди:

$$\begin{aligned} 0 &\leq X_{ij} \leq 1 \\ X_{ij} &\geq 0 \end{aligned} \quad (4)$$

Бу ерда,  $i$  - пахта-тўқимачилик кластерларида ташкилий-техникавий тадбирлар режасида амалга ошириладиган тадбирларнинг тартиб сони ( $i=1, n$ );

$j$  - ташкилий-техникавий тадбирлар режаси бўйича амалга ошириладиган тадбирларга сарфланадиган ресурслар турлари ( $j=1, m$ );

$P_i$  - тадбирни режа бўйича тўлиқ амалга оширишда олинадиган қўшимча қиймат миқдори;


$A_{ij}$  - жорий этиладиган  $i$  - турдаги тадбирни амалга ошириш учун сарфланадиган  $j$  - турдаги хом ашё сарфи миқдори;

$B_j$  -  $j$  - турдаги хом ашё захира миқдори;

$M_{ij}$  - жорий этиладиган  $i$  - турдаги тадбирни амалга ошириш учун сарфланадиган  $j$  - турдаги меҳнат сарфи миқдори;

$K_j$  -  $j$  - турдаги меҳнат ресурси захира миқдори;

$X_{ij}$  - ташкилий-техникавий режа бўйича  $i$  - турдаги тадбирни жорий этилиш қисмига сарфланадиган  $j$  - турдаги ресурслар миқдори.



1-расм. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юртишининг такомиллаштирилган таркибий тузилмаси

Манба: муаллиф ишланмаси.

Республикамизда фаолият юритаётган барча пахта-тўқимачилик кластерларида маҳсулот сифатини яхшилаш орқали экспорт ҳажмини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалиётга жорий этиш режасининг қўшилган қиймат миқдорини ошириш мезони бўйича ҳисоб-китоблари натижалари шуни кўрсатадики, истеъмол учун пировард тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг V тоифа кластер - газламадан тайёр тикув маҳсулотлари ёки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш (тайёр тикув ёки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш) варианты бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли қўшимча қиймат яратишда энг самаралиси ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда тўқимачилик ишлаб чиқаришини аутсорсинг қилмаслик учун мавжуд саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги ўзаро таъсир механизмини такомиллаштириш заруратини ҳисобга олган ҳолда инсон капитали унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритишининг такомиллаштирилган таркибий тузилмаси таклиф этилди (1-расм).

Давлат томонидан миллий пахта-тўқимачилик кластерларини қўллаб-қувватлаш макро даражада қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- тармоқни кластерлаш асосида ривожлантиришнинг иқтисодий сиёсати (концепцияси)ни ишлаб чиқиш;
- кластерлар учун мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасалари учун миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш ва аттестациядан ўтказиш;
- бизнес ҳамкорлигига асосланган маҳаллий кластерлаш мактабларини ривожлантириш;
- илмий-тадқиқот институтлари билан кластер корхоналари ўртасидаги илмий-тадқиқот ва ишланмаларни рағбатлантириш.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Республикамизда пахтачилик мажмуасида самарали кластер сиёсатини амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни берамиз:

- пахта-тўқимачилик кластерларида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда диверсификациялашнинг самарали вариантларини танлаш услубини ишлаб чиқиш;
- ягона қиймат занжири доирасида мустақил ишлаб чиқариш ва / ёки хизмат кўрсатиш компаниялари (шу жумладан уларнинг етказиб берувчилари), технология ва ноу-хау яратувчилари (университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, муҳандислик компаниялари), бозор институтларини (брокерлар, маслаҳатчилар) ва истеъмолчиларни бир-бири билан ўзаро боғловчи саноат кластерларини ривожлантириш бўйича устун тарздаги давлат “кластер сиёсати”ни амалга ошириш.
- пахта-тўқимачилик кластерлари экспорт салоҳияти ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш асосида экспорт салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- пахта-тўқимачилик кластерлари экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида маҳсулот ассортиментини сиёсатини олиб бориш ва истиқболли бозор сегментларини излаб топиш;
- харажатларни камайтириш ички имкониятларини излаб топиш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерлари таркибий тузилмасини оптималлаштиришни амалга ошириш;
- пахта-тўқимачилик кластерлари экспорт фаолиятининг узоқ муддатга мўлжалланган кўрсаткичларини прогнозлаш ва натижалар асосида самарали кластер сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

Porter, M.E. (1990) *The Competitive Advantage of Nations*. New York: Free Press.

Rosenfeld S.A. (1995) *Overachievers: Business Clusters that Work*. Chapel Hill, NC: Regional Technology Strategies, Inc.

Schmitz Hubert (1992), "On the Clustering of Small Firms", in Rasmussen, J., H. Schmitz and M.P. van Dijk (eds.), „Flexible specialization: a new view on small industry, *IDS Bulletin (Special Issue)*, 23(3): 64-69.

Давронов О.А. (2018) *Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий алоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф.* –Т.: ТДИУ, – 20 б.

Исаев Р.А. (2019) *Проблемы развития текстильных кластеров в Узбекистане //Международный журнал исследований в области менеджмента и бизнеса (IJRMBS 2019).* – Т. 6. – №. 3. – С. 9-12.